

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

343 Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга
олиш марказларининг фаолият кўрсатиш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 18-бандидаги «12» рақами «24» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 9 июль,
185-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.